**ШАРТНОМА № 18/4**

**28 январ 2022 йил** **Андижон шахри**

Андижон вилояти «Андижон Дори-Дармон» акциядорлик жамияти бошқарув раиси муовини Ахмаджонов А.Н. кейинчалик матнда «Таъминотчи» деб юритилади, Низом асосида харакат қилувчи бир томондан иккинчи томондан Жалақудуқ туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи У.Умаров кейинчалик матнда «Харидор» деб юритилади, иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидаги мазмунда туздилар:

**1. Шартнома мохияти.**

1.1."Таъминотчи" "Харидор"нинг талабномаси билан хаётий зарур дори-дармонлар, тиббий ашъёлар ва стерилланган дориларни 1-илова (спецификация) асосида товарларни сотади. Шартномага асосан олинадиган товарнинг номи, миқдори, нархи ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган ушбу 1-иловада кўрсатилади. "Харидор" эса олган махсулотлари учун тўловни "Таъминотчи"нинг банкидаги тегишли хисоб ракамига келишилган муддатда ўтказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2.Шартноманинг суммаси 20.000.000 (Йигирма миллион сўм )га транспорт харажатларикирмайди.

**2. Махсулотнинг сифати.**

2.1. "Таъминотчи" "Харидор"га Ўзбекистон Республикасида Фармакологик руйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган сифат, маркировка, ўрамлар фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган хамда сифат сертификати ёки тахлил (текшириш) баёнига эга бўлган дори-дармонлар ва тиббий махсулотларни сотади

**3. Хисоб-китоб килиш тартиби**

3.1. Хисоб –китоб «Харидор»га томонидан пул утказиш йўли билан амалга оширилади.

3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгадан сўнг 5 банк иш кунида «Харидор» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30% (фоизи) яъни 6.000.000 ( олти миллион беш юз минг ) сўм олдиндан (аванс) тариқасида «Таъминотчи» нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3.Қолган охириги 70% (фоизи) 14.000.000(ўн тўрт миллион сўм) «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар хисоб варак фактуралари асосида 90 банк иш кунида ўтказиб беради.

3.4 «Харидор» томонидан 30 % (фоизи) олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Таъминотчи» 3 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Харидор» га етказиб беради.

3.5. Махсулотларни етказиб бериш харажати «Таъминотчи» хисобидан қопланади.

**4. Жўнатиш ва кабул килиш шартлари**

4.1. Сотиб олинган товарларни жўнатиш "Таъминотчи" томонидан амалга оширилади, етказиб бериш санаси бўлиб, товарнинг "Таъминотчи" омборидан юбориш санаси хисобланади, товарни қабул қилишда "Харидор" томонидан уни миқдори, сифати ва руйхати хисоб-фактура асосида амалга оширилади.

4.2. Гиёхванд, захарли ва психотроп дори-дармонларни "Харидор" томонидан тегишли ички ишлар идораларидан берилган махсус рухсатномаларни тақдим қилиниб, сўнг "Таъминотчи" нинг омборхонасидан олиб кетади.

**5.Томонларнинг мажбуриятлари**

5.1.Томонлар бошка томоннинг хужжатини расмийлаштирилиши ёки нотугри расмийлаштириш учун жавобгарлик эмасдирлар.

5.2. «Таъминотчи» хукукларива мажбуриятлари:

- берилган буюртманомага мувофик етказиб берилган «Товар (махсулот)ни кабул килишда асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплашини талаб қилиш хукукига эга.

-агар «Товар (махсулот)ни етказиб бериш жараёнида «Таъминотчи» шартнома шартлар ва нормативлардан чекинишга йўл қуйган бўлса «Харидор»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбур.

5.3 «Харидор» хукуклари ва мажбуриятлари.

-камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар тўғриланиш харажатларини қопланишини талаб килишга:

-мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини «Таъминотчи» дан талаб қилиш хукукига эга.

## 6.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

6.1. Шартнома мажбуриятларини тўлик ёки қисман бажармаганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – хукукий базаси тўгрисида” ги конуни талаблари доирасида мулкий жавобгардирлар.

6.2. “Таъминотчи” жавобгарлиги:

6.2.1. “Таъминотчи”нинг айби билан товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилса, “Таъминотчи” томонидан кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар суммасининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

6.2.2. Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган такдирда сотиб олувчи (буюртмачи): товарларни бутлаб беришни талаб килишга хақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт, етишмаётган қисмлар қийматини қўшган холда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга хакли.

6.3. “Харидор”нинг жавобгарлиги:

6.3.1. “Харидор”нинг айби билан етказиб берилган товарлар хакини ўз вақтида тўламаса, “Харидор” томонидан кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик окибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6.4.Шартноманинг 2-бандига асосан “Таъминотчи” томонидан сотилган махсулот сифатсизлиги тегишли хужжатлар билан 3 кун ичида тасдиқланса, у холда “Таъминотчи” сифатсиз махсулотни сифатли махсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боглик барча харажатларни ўз зиммасига олади.

6.5.“Таъминотчи” нинг хисоб – варакасида махсулот солинган кутилар (тара) ни кайтарилиши кайд этилган бўлса, кутилар 15 кун ичида кайтарилиши шарт.

6.6. Томонлар ўзларига юклатилган мажбуриятлардан ўзларига боғлик бўлмаган қуйидаги форс -мажор холатларида қисман ёки тўлик озод этиладилар: ёнгин, табиий офатлар, харбий харакатлар, блокадалар, импорт ва экспорт килишга тақиқлар.

## 7.Низоларни хал этиш.

7.1. Шартнома мажбуриятларидан келиб чикадиган барча низолар, томонлар ўртасида ўзаро келишилган холда хал этилади. Низолар пайдо бўлганда томонлар ёзма равишда огохлантириш хати берадилар. Огохлантириш хатига жавоб бериш муддати 10 кун.

7.2. Хал этилмаган низолар Иқтисодий судида кўриб чиқилади. Иқтисодий судини карори хал этувчи хужжат хисобланади.

**8.Форс-мажор.**

8.1. Томонларга боғлик бўлмаган холатлар «ёнгин, сув тошкини, шу каби бошка холатларда хамда Ўзбекистон Республикасида Президентининг фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг карорлари» агар тегишли хужжатлар билан тасдикланган такдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

8.2. Юкоридаги холатлар юзасидан дархол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

**9.Шартнома муддати**

9.1. Шартнома имзоланган кундан ва тегишли худудий газначилик булимида руйхатга олингандан сўнг, кучга кириб 31 декабр 2022- йилгача амал килади.

**10.Умумий холатлар:**

10.1. “Харидор” “Таъминотчи”га хар ойинг 5 санасигача шу ойда зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий ашёларнинг буюртма рўйхатини такдим этади, бунда товарнинг номи, микдори кўрсатилиши шарт, “Харидор” га “Таъминотчи” томонидан прайс листлар такдим этилади, прайс листга асосан «Харидор» нархларга алохида эътибор берган холда, танлов варакасига асосланиб 1 ойлик эхтиёж учун зарур бўлган дори –дармонларни сотиб олади.

10.2. Шартномага киритилиши лозим бўлган барча ўзгартириш ва кўшимчалар факат ёзма тартибда амалга оширилади ва томонлар имзолаб, мухрлагандан сўнг тегишли газначилик булимидан руйхатга олингандан кейин асосий шартноманинг ажралмас кисми хисобланади.

10.3. Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан колган барча холатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари асосида хал этилади. Томонларнинг манзилгохи ва банкдаги хисоб ракамлари:

“ТАЪМИНОТЧИ”
«Андижон Дори-Дармон»АЖ
711000, Андижон ш, Манзил:
Огохий куча №1-уй
х/р 20210000800177073001
Миллий Банк Андижон вилоят
ИНН 200218892
ИФУТ 46460 ОКОНХ : 91511
Тел/факс: 0-374-237-41-33
6-сонли дорихона тел: 755-21-86
Рахбар________________А.Н.Ахмаджонов
(имзо мухр ўрни )

“ХАРИДОР”
Жалакудук тумани Жалакудук ТТБ
Жалакудук тумани
Х\Р 100022860032117072130054029
БАНК : Марказий банк ХККМ
Булими МФО 00074 МФО : 00014
ИНН : 200268634

Рахбар ________________ У.Умаров
(имзо, мухр ўрни )

"Андижон Дори-Дармон"АЖ 6- сонли дорихонаси

ва Жалакудук  тумани тиббиет бирлашмаси

уртасида тузилган № 18/4  сонли  28 январ даги   2022   йилдаги шартномага

**С П Е Ц И Ф И К А Ц И Я**

| № | Товар номи | Улчов. бир | Микдори | Нархи | Сумма | ККС нар | ККС сум | ККС сиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Глюкоза 5% р-р д/инф 200 мл (декстроза) | уп | 594 | 3 000 | 1 782 000 | 0 | 0 | 1 782 000 |
| 2 | Глюкоза 5% р-р д/инф 500 мл (декстроза) | уп | 500 | 5 000 | 2 500 000 | 0 | 0 | 2 500 000 |
| 3 | Глюкоза 40% р-р д/инф 10-10 мл (декстроза) | уп | 625 | 4 800 | 3 000 000 | 0 | 0 | 3 000 000 |
| 4 | Натрий хлорид 0,9% 200мл | фл | 400 | 3 000 | 1 200 000 | 0 | 0 | 1 200 000 |
| 5 | Натрий хлорид 0,9% 500мл | фл | 400 | 5 000 | 2 000 000 | 0 | 0 | 2 000 000 |
| 6 | Натрий хлорид 0,9% 5*10 | уп | 570 | 3 400 | 1 938 000 | 0 | 0 | 1 938 000 |
| 7 | Метамизол (анальгин)50% 2*10 мл | уп | 100 | 5 000 | 500 000 | 0 | 0 | 500 000 |
| 8 | Диклофенак 3*5 | уп | 100 | 4 000 | 400 000 | 0 | 0 | 400 000 |
| 9 | Сальбутамол аэрозол | уп | 100 | 18 000 | 1 800 000 | 0 | 0 | 1 800 000 |
| 10 | Дифенгидрамин (димедрол) 1% 1*10 | уп | 200 | 3 600 | 720 000 | 0 | 0 | 720 000 |
| 11 | Прокаин (новакаин) 0,5% 5*10 | уп | 695 | 4 000 | 2 780 000 | 0 | 0 | 2 780 000 |
| 12 | Магний сульфат 25% 5 мл №10 | фл | 100 | 3 200 | 320 000 | 0 | 0 | 320 000 |
| 13 | Дротаверин (нош-па)2*5 | фл | 100 | 4 600 | 460 000 | 0 | 0 | 460 000 |
| 14 | Паповерин 2% 2*10 | уп | 100 | 6 000 | 600 000 | 0 | 0 | 600 000 |
| | **Жами** | | | | **20 000 000** | 0 | 0 | **20 000 000** |

Сотувчи ____________________

Харидор ____________________

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: IP2361640550

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ TD14517574

1. Loyihaning turi

**Shartnoma**

2. Loyihaning nomi

**Maxsulot yetkazib berish shartnomasi.**

**Jalaquduq tuman Tibbiyot birlashmasi** hamda **Andijon viloyati «Andijon Dori-Darmon» aksiyadorlik jamiyati** o'rtasida tuzilgan **umumiy summasi**: 20.000.000 (Yigirma million so'm) **so'mlik** xayotiy zarur dori-darmonlar, tibbiy ash'yolar va sterillangan dorilarni yetkazib berish shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

**Jalaquduq tuman tibbiyot birlashmasi 29.01.2022**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil 31 yanvar

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti** **Sh.Arzikulov**